Маколамизнинг шу унвони, ўкувчиларимизнинг хайрат ва таажжубларига сабаб бўлса керак. Узимиздаги шул маколани буюк бир хайрат ва таажжуб ичинда ёзиб турибмиз. Масала шу:

«Шўройи ислом» жамиятининг[1] сайлов тўгрисинда «уй эгалари»[2] отли бир рус партияси билан иттифок килганини барчамиз билиб олдик энди, Машхур сўзларга караганда, шул иттифок икки мусулмон, бир рус тартиби ўзаро богланган. Мунинг маъноси шуки, «Шўройи ислом» ўз рўйхатига элли(к) мусулмон ва йигирма беш русни, икки мусулмон бир рус килиб ёзадир. Сайлов куни «Шўройи ислом» тарафдорлари бўлган мусулмонлар билан «уй эгалари» тарафдорлари бўлган руслар шул шўронинг рўйхатига тавуш берурлар ва натижада масала 15 галос[3] олинса, 5 тасини русларга бериб, 10 тасини мусулмонлар олурлар.

Тунов куни мутафаккир бир дўстим билан шул тўгриларда гапуриб ўтирган эдим. Дўстим хакли бир суратда «Шўройи ислом»нинг шул иттифокини танкид килди, дедиким:

Самарканд сайловига кушилатурганлар; мусулмондан (хотунлар хисоб эмас) ўнолти минг, жухуд икки минг беш юз, рус ўн бир минг беш юз, хаммаси ўттиз минг киши бўлур. Шул ўттиз минг кишини етмиш беш галосига таксим килсак, хар тўрт юз кишига бир галоси тушар. Эмди шуниси хам маълумдирки, сайловга кўшилатурган ўн бир минг беш юз руснинг хаммаси «уй эгалари» партиясига дохил эмаслар. Чунки руслар орасинда «уй эгалари» партиясидан бошка тўрт-беш партия бордур. «Уй эгалари» партияси гайрат килса, ўн бир минг беш юз русдан икки мингини ўз тарафига ола билур.

Фараз килайликки: шўро жамияти шул сайловда ўз тарафига, ўз рўйхати учун икки минг мусулмон товуши ола билсун. «Уй эгалари» партиясининг ўттиз беш галоси тушар. Энди иттифок юзиндан шўро жамиятининг ўзи шул ўттиз беш галосдан ўн икки минг мусулмон товуши олур 24 галосни; «уй эгалари» партиясига икки минг рус товуши учун берур ўн бир галосни!

Холбуки, айри-айри списка бўлганда «Шўройи ислом» ўн икки минг мусулмон товуши учун 30 галосни ва «уй эгалари» партияси икки минг рус товуши учун беш галосни олур эди. Мана шул хисоб юзиндан Шўро жамиятининг шул килган иттифоки мусулмон хакига зарарлидир, чунки олти мусулмон галосининг ери русларга ўтган бўлур.

Дўстимнинг бу хисобларини эшитгач, хайратда колдим. «Ажабо, Шўро жамияти нечун шуни тушунмайди?» дедим ва чикиб келдим. Шўро шу масалани тушунмаган бўлса, миллатнинг ўзи тушунсин ва ортук кайси нўмир рўйхатга товуш бермак керак эдигини тайин этсун.

(«Хуррият», 1917 йил, 5 сентябр, 36-сон)

Кайта нашри: «Ёшлик», 1991, 10-сон, 45-бет (Н. Авазов нашрга тайёрлаган).
Сайловларда иштирок этаётган хар бир фирка катори «Шўройи исломия» ташкилоти ва

унинг рус «уй эгалари» фиркаси билан хамкорлиги танкид этилган.

[1] Шўройи исломия — 1917 йил 1 апрелда мазкур ташкилотнинг 1 курултойида таъсис этилган жамият. Собик ўнг жадидлар, асосан, шу жамият курувчилари эдилар. Унииг дастури курултойда Мунаввар Кори нуткида эълон этилган.

[2] Уй эгалари — Туркистонда мавжуд рус партияларидан бири.

[3] галос — овоз.